Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 91 (7231). 13 май, 1980 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШНИ ҚЎПАЙТИРАЙЛИК

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, областнинг барча меҳнаткашларига табрик хатидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, 1980 йилда чорвачиликни жадал суръатларда ривожлантириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш учун қатъий иш олиб бормоқдалар. Бу йил 900 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 330 минг тонна сенаж, 750 минг тонна силос ва 30 минг тонна ўт уни тайёрлашга қарор қилинган.

Кўпгина колхоз ва совхозлар, бригадалар коллективлари ем-хашак тайёрлаш бўйича белгиланган тадбирларни муддатидан илгари бажариш учун ошириб, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш учун қатъий иш олиб бормоқдалар. Бу йил 900 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 330 минг тонна сенаж, 750 минг тонна силос ва 30 минг тонна ўт уни тайёрлашга қарор қилинган.

Кўпгина колхоз ва совхозлар, бригадалар коллективлари ем-хашак тайёрлаш бўйича белгиланган тадбирларни муддатидан илгари бажариш учун ошириб, озуқа базасини янада мустаҳкамлаш учун қатъий иш олиб бормоқдалар. Бу йил 900 минг тонна дағал хашак, шу жумладан 330 минг тонна сенаж, 750 минг тонна силос ва 30 минг тонна ўт уни тайёрлашга қарор қилинган.

Ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг меҳнат активлигини янада ошириш, уларнинг ижодий кучғайратларини 1980 йилда озуқа тайёрлаш бўйича белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этиш мақсадида Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1980 йилда ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш бўйича белгиланган тадбирларни муддатидан илгари бажариш учун районлар, колхозлар, совхозлар, Тошкент шаҳри оталиқ корхона ва ташкилотлари коллективлари, область шаҳар ва район марказлари ўртасидаги область социалистик мусобақаси шартларини тасдиқладилар.

Социалистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш учун Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг учта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Улардан биттаси районларга, биттаси колхозларга, биттаси давлат хўжаликларига берилади. Байроқ билан бирга ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Шаҳар ва район партия комитетлари, шаҳар ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи область комитетлари, колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари ва ташкилотлари, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари раҳбарларига, бошланғич партия, касаба союз ташкилотларига мусобақа шартларини барча ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларга етказиш, ем-хашак етиштириш ва тайёрлашда банд бўлган кишиларнинг юксак унум билан меҳнат қилишлари ва қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш вазифаси топширилди.

Ем-хашак тайёрлаш бўйича колхоз, совхоз, саноат корхоналари ва ташкилотлари, область район ва шаҳарлари ўртасидаги социалистик мусобақа илғорларини мукофотлаш учун область план комиссиясига бозор фондидан 30 та, область савдо бошқармасига 12 та енгил автомашина ажратиш топширилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область телевидение ва радиоэшиттириш бош редакцияларига колхозлар, совхозлар, корхона ва ташкилотлар, район ва шаҳарлар коллективлари ўртасида мустаҳкам озуқа базаси яратиш бўйича социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш, ишлаб чиқариш илғорларини ва энг яхши коллективларнинг тажрибасини ҳар тарафлама пропаганда қилиш топширилди.

Бекобод районидаги «Ленинград» совхози 1-бўлимининг пахтакорлари ғўза қатор ораларига ишлов беришни жадал суръатларда олиб боряпти. 2-бригада механизатори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. Имомов куниға 8—10 гектар майдондаги ғўзани культивация қилаяпти. Суратда: илғор механизатор С. Имомов.

П. Эргашев фотоси.

8500ТА СЕЯЛКА ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

БИРЛАШМАМИЗ коллективи мамлакат пахтачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Биз бу билан чексиз фахрланамиз ва ғурурланамиз. Ўз навбатида зиммамиздаги вазифанинг катта масъулияти борлигини ҳам эсдан чиқармаймиз. Чунки, пахтачиликни комплекс механизациялаш юзасидан белгиланган режаларни тўла-тўкис амалга ошириш кўп жиҳатдан бизнинг ишимизга ҳам боғлиқ. Биз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қанчалик кўп турли-туман машиналар етказиб берсак, бу вазифани ҳал қилиш шунчалик тезлашади.

Шунинг учун ҳам машинасозларимиз ўнинчи беш йиллик сўнгги йилининг дастлабки кунидан зардобчасига, ленинчасига меҳнат қилмоқдалар. Пахтакорларга сеялкалар, кўрак чувийдиган машиналар, ғўзапоя юладиган, дефолиация қиладиган агрегатлар тобора кўп етказиб берилаяпти. Бу ишга бизнинг 4-механика-йигув цехи ишчи-хизматчилари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Коллективимиз сеялкалар ишлаб чиқариш суръатини кун сайин жадаллаштиряпти. Шу йилнинг биринчи квартал плани зиёдаси билан адо этилди. Апрель ойидаги меҳнатимиз натижаси ҳам салмоқли бўлди. Мамлакатимиз пахтакорларига 3 мингтадан кўпроқ турли маркадаги сеялкалар етказиб берилди. Бу машиналардан ўнинчи беш йиллик сўнгги йили «оқ олтин» ҳосили учун чигит экиш кампаниясида фойдаланилади.

Кейинги йилларда сеялка конструкцияси янада такомиллашди. Ундан қатор бошқа операцияларни бажаришда фойдаланиш имкони туғилди. Бундай сеялкалар, билан чигитдан ташқари маккажўхори, ловия-тарвуз уруғларини ҳам экиш мумкин. Такомиллашган сеялка турли кенгликлардаги қаторларга уруғ қадай олади. Қўшимча аппарат ўрнатиб ғўза қатор ораларидаги бегона ўтларга гербицидлар сепишда ҳам ишлатиш мумкин.

Эндиликда бу машина ҳақиқатан ҳам деҳқон учун ялда қўл келмоқда. Шунинг учун биз бундай агрегатларни ишлаб чиқаришни тинмай кўпайтириб боряпмиз. Бу йил цехимиз меҳнат аҳли 8,5 мингта шундай машинани йигиш ва мамлакатимиз пахтакорларига етказиб бериш учун мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда.

Ў. ШЕРБОЕВ,
«Узбексельмаш» заводи 4-механика-йигув цехи фрезерчиси.

Халқ депутатлари Тошкент область Советининг сессияси

Кеча халқ депутатлари XVII чақириқ Тошкент область Советининг II сессияси бўлиб ўтди. Сессияни область ижроия комитетининг раиси Т. А. АЛИМОВ очди.

Сессияда Тошкент область партия комитетининг секретари, халқ депутатлари область Советининг депутати, Ф. Г. ПОТУРЕМСКИЙ уй-жой ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Депутатлар область Советининг капитал ва йўл қурилиши бўйича доимий комиссиясининг раиси, область партия комитети қурилиш бўлимининг мудири, область Советининг депутати В. Г. ГОРДИЕНКОнинг қўшимча доклади билан таништилар.

Сессия халқ депутатларн XVII чақириқ область Советининг I сессиясида билдирилган танқидий фикр ва таклифларнинг бажарилишини кўриб чиқди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг иккинчи мартда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова совғини учун ўтказилган область конкурси якунларини кўриб чиқиб, ғолибларни аниқладилар.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига механик-ҳайдовчиларнинг 1979 йил ҳосилини йиғиштириб олишда пахта териш машиналаридан юқори унум билан фойдаланиш юзасидан область конкурси якунларини кенг ёритиш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаси, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитети ва уларнинг жойлардаги органлари, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари зиммасига пахта териш машиналаридан фойдаланишда юқори кўрсаткичларга эришган илғор механизаторлар иш тажрибасини умумлаштириш, бу тажрибаларнинг барча меҳнаткашларнинг мулкига айланиши, беш йилликнинг якунловчи йили социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериши учун илғорлар тажрибасини областнинг барча хўжаликларига кенг ёйиш вазифаси юклатилди.

ИЛҒОР МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИЛАР

Суюнбой ТУРСУНОВ — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз — 290 тонна.

Мирфаёз ТЎЛАГАНОВ — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози — 230 тонна.

Абдураим МАМАТҚУЛОВ — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз — 218 тонна.

Тўйчи ТОЖИЕВ — Пискент районидаги Тельман номли колхоз — 216 тонна.

Вахат МАМАТОВ — Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози — 210 тонна.

Турсунбой АБДУРАИМОВ — Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз — 205 тонна.

Соли КАРИМОВ — Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз — 200 тонна.

НИЕЗХОН Каримова ўн йилдан буён Оҳангарондаги «Сантехлит» заводида фидокорона меҳнат қилиб келяпти. Бу илғор ишчининг қўлидан чиқаётган маҳсулот фақат аъло сифат билан қабул қилинмоқда.

В. Сироткин фотоси.



«ТАШХИМСЕЛЬМАШ» заводи комплектлаш-пардозлаш участкаси коллективи ҳар ойда 380—400 та ОВХ-14 пуркагич мосламаларини дала меҳнаткашларига жўнатмоқда. Суратда: шу участканинг илғор мастери Рафаэль Косс янги маҳсулотни кўздан кечиряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

1980 ЙИЛДА ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РАЙОНЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область чорвадорлари 1980 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ҳамда ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг юксак меҳнат активлиги ва ижодий ташаббускорликларини ошириш мақсадида ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг муддатидан илгари бажарилиши учун область социалистик мусобақасининг қуйидаги шартларини эълон қиладилар:

бу мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар ҳамда Тошкент шаҳрининг оталиқ корхона ва ташкилотлари, область шаҳар ва район марказлари иштирок этадилар.

Ем-хашак тайёрлашда давлар бўйича энг юқори ўсишига эришишни таъминлаган ҳамда йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарган районлар, колхоз ва совхозлар коллективлари социалистик мусобақа ғолиблари деб топиладилар. Мусобақага якун ясалаётганда жами жамғарилган дағал хашак (тонна ҳисобида), шу жумладан сенаж, беда пичани, илдизли мева (лавлаги), ўт уни тайёрлаш ва силос бостириш ҳисобга олинади.

Мусобақа май ойидан сентябрь ойи охиригача ўтказилади. Мусобақага область комиссиясининг тавсияси асосида область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроги ҳамда ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан биттадан енгил автомашина ажратилади.

Ем-хашак тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқларни бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришган Тошкент шаҳри оталиқ корхона ва ташкилотлари коллективларига, районларга ҳамда область шаҳарлари, район марказлари меҳнаткашларига область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг вимпели берилади, ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун енгил автомашиналар ажратилади.

Жамоат чорвачилиги учун дағал хашак жамғариш бўйича топшириқларни 1 июнгача бажарилишини таъминлаган саноат корхоналари ва ташкилотлари, қурилиш, транспорт ва алоқа коллективлари область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг табсиялари асосида ҳар гектар майдондан камида 130 минг туп кўчат бўлишини таъминлаш учун курашаётгандар.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети чорвадорлари 1980 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ҳамда ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг юксак меҳнат активлиги ва ижодий ташаббускорликларини ошириш мақсадида ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг муддатидан илгари бажарилиши учун область социалистик мусобақасининг қуйидаги шартларини эълон қиладилар:

бу мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар ҳамда Тошкент шаҳрининг оталиқ корхона ва ташкилотлари, область шаҳар ва район марказлари иштирок этадилар.

Ем-хашак тайёрлашда давлар бўйича энг юқори ўсишига эришишни таъминлаган ҳамда йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарган районлар, колхоз ва совхозлар коллективлари социалистик мусобақа ғолиблари деб топиладилар. Мусобақага якун ясалаётганда жами жамғарилган дағал хашак (тонна ҳисобида), шу жумладан сенаж, беда пичани, илдизли мева (лавлаги), ўт уни тайёрлаш ва силос бостириш ҳисобга олинади.

Мусобақа май ойидан сентябрь ойи охиригача ўтказилади. Мусобақага область комиссиясининг тавсияси асосида область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроги ҳамда ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан биттадан енгил автомашина ажратилади.

Ем-хашак тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқларни бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришган Тошкент шаҳри оталиқ корхона ва ташкилотлари коллективларига, районларга ҳамда область шаҳарлари, район марказлари меҳнаткашларига область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг вимпели берилади, ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун енгил автомашиналар ажратилади.

Жамоат чорвачилиги учун дағал хашак жамғариш бўйича топшириқларни 1 июнгача бажарилишини таъминлаган саноат корхоналари ва ташкилотлари, қурилиш, транспорт ва алоқа коллективлари область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг табсиялари асосида ҳар гектар майдондан камида 130 минг туп кўчат бўлишини таъминлаш учун курашаётгандар.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ОФАТ ВА ЖАСОРАТ

Пахтакор учун замин кўксида бош кўтарган яшил ниҳолларнинг текис саф тортганини кўриш катта қувонч. Чунки, унинг умидлари ана шу ниҳоллардан. Кузакда уйладиган улкан «оқ олтин» хирмонлари шу мурғак ғўза ниҳолларидан бошланади.

Хўжалигимиз аъзолари ҳам 20 апрелда барча майдонларда чигит текис униб чиққанини кўриб, диллари қувончга тўлган эди. Улар бу йил барака уруғи қадашни ҳар қачонгидан ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказиб, бу ишни ўтган йилдагига қараганда икки ҳафта илгари тугалладилар.

Бултур колхозимизнинг кўпгина пахта майдонларига вилт тарқалиб, ҳосилга катта путур етказган эди. Шунинг учун биз пахта навларини алмаштиришга қарор қилдик. 1100 гектар пахта майдонининг 600 гектарига «Тошкент-6», 450 гектарига «108-Ф» навли пахта чигити қадалди. 50 гектар майдонга эса тажриба тариқасида «АН-402» пахта нави чигити экдик. Чигит экиш сифатли ўтказилганлиги туфайли уни бир ҳафта ичида текис ундириб олишга муваффақ бўлдик.

Бироқ бу йил ҳам табиат пахтакорлар иродасини, сабот-матонатини синаб кўрмоқчи бўлди. 28 апрелдан 29 апрелга ўтар кечаси районимиз территориясида ёққан дўл колхозимиз экин майдонларига, боғ ва токзорларга айниқса жиддий зарар кўрсатди. Хўжалигимизнинг 3, 5, 6, 7, 8, 9-бригадалари катта-катта пайкалларидаги ёш ғўза ниҳолларини дўл оқибатида яксон қилинди. Бошқа бригадаларда эса дўл кўчатларнинг бир қисмини нобуд қилган эди.

29 апрель эрта тонгдаёқ колхозимиз агротехника совети аъзолари билан биргаликда барча пахта майдонларини синчиклаб кўздан кечириб чиқдик. Мутахассисларимиз, тажрибали пахтакорларимиз 80 гектар майдонни бузиб, қайтадан чигит экиш керак, деган қарорга келдилар. 450 гектар майдонда эса кўчат ола бўлиб қолган жойларга қайтадан уруг ташлаш талаб қилинди.

Ана шу шароитда хўжалигимизнинг барча аъзолари ғўза ниҳоллари табиийки ривожланишдан анчагина орқада қолди. Чунончи, дўл зарар етказмаган майдонлардаги ғўзалар ҳозир 4—6 тадан чинбарг чиқарган. Қайтадан уруг ташланган далаларимиздаги ниҳоллар эса энди чинбарг чиқара бошлади. Бу бутун чоралар билан ғўза парваришини кучайтириш, авжи паст ниҳолларга алоҳида ишлов бериш талаб этяпти. Шунинг учун хўжалигимизда мавжуд техника воситалари ва ишчи кучи ғўза парваришини кучайтиришга қаратилди.

Айни кунларда пахта далаларимизда 26 та чопиқ трактори ишлаб турибди. Уларнинг 14 таси билан ғўза қатор оралари культивация қилинаётир. Ҳозирнинг ўзида барча майдонлардаги таблар ўқувчилари ҳам актив иштирок этишди.

Хўжалигимиз аъзоларининг фидойиликлари натижасида икки кун ичидаёқ дўл зарар етказган барча майдонларга чигит экишни тугалладик. Уни қисқа муддатда бир текис ундириб олиш чоралари ҳам кўрилди. Натижада ҳозир барча майдонларда яна ғўза ниҳоллари саф тортди.

Бироқ, шуни айтиш керакки, қайтадан ва оласига чигит экилган майдонлардаги ғўзаларга биринчи ишлов бериш тугалланган. Қатқалоқ пайдо бўлган далалар эса икки мартадан юмшатиб чиқилди.

Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов берилишини таъминлаш учун ҳар бир культиваторга 35—37 тадан ишчи органлари ўрнатилган. Бу муҳим агротехника тадбирини жадал суръатларда ва сифатли ўтказишда механизаторлардан Ҳ. Муҳторов, С. Хўжаев, Ж. Тиллабеков, С. Юнусов, Э. Жалимбетов, П. Нурикеевлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Ёш ниҳолларнинг ўтитга мухтожлигини тушунган ҳолда ғўзани озиқлантиришни бошлаб юборганмиз. Бу иш 12 агрегат билан амалга оширилляпти. Ҳар гектар майдонга 200 килограммдан аммофос солинмоқда.

Мўл ҳосил етиштириш гарови ҳисобланган яганалашни ҳам жадал суръатларда олиб бормоқдамиз. Бу ишга етарлича колхозчилар жалб этилганлиги туфайли яганалаш ниҳоясига етаяпти. Область пахтакорлар советининг табсиялари асосида ҳар гектар майдондан камида 130 минг туп кўчат бўлишини таъминлаш учун курашаётгандар.

Ҳароратнинг тобора кўтарилиб бораётганлиги ёш ниҳолларнинг сувга эҳтиёжини ошираяпти. Шунинг учун ғўзани биринчи суғоришни бошлаб юбориш тадбирларини кўраётгандар. Пахта далаларига оби-ҳаёт тараш учун ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган. Бу ишга 120 сувчини жалб этамиз. Уларнинг унумли меҳнат қилишларига барча шароит яратилади. 1 гектар майдонни сифатли суғорган сувчига 10 сўм иш ҳақи берилади.

Умуман ғўза парваришида сифат асосий мезон бўлиб қолган. Биз механизатор ва сувчиларимизга огоҳлантириш талонлари тарқатганмиз. Ишда камчиликка йўл қўйган механизатор ва сувчилар устама мукофотдан маҳрум этиладилар.

Ғўзанинг авж олишини жадаллаштириш учун бошқа тадбирларни ҳам амалга оширмоқдамиз. Ғўзани иккинчи озиқлантириш даврида далаларга солиш учун 1000 тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит жамғариб қўйилди.

Пахтакорларимизнинг жасоратлари туфайли барча майдонлардаги ғўза дуркун ўсиб, яна кўзни қувнаталяпти. Хўжалигимиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар майдондан 37 центнердан хирмон кўтариш ва давлатга 4 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилаётирлар. Улар пахта майдонларида жасорат кўрсатиб, ўз аҳдларида қатъий турганликларини исботламоқдалар.

Р. ОТАБОЕВА,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг раиси.

ТАСС АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 1979 йил 6 октябрда эълон қилганидек, Европа қитъасидаги ҳарбий кескинликни юмшатишга эришиш манфаатларини кўзлаб Марказий Европадаги қўшинларини ўз ташаббуси билан қисқартиришни давом эттирмоқда. Шу йил 12 майдан бошлаб Германия Демократик Республикасидан совет ҳарбий танк қисмлари ва бўлинмаларининг навбатдаги группаси танклар билан бирга олиб чиқиб кетилади. Мазкур ҳарбий бўлинмалар Совет Иттифоқининг Европа районларида жойлаштирилади.

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

3. ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ РУҲИДА

КПСС XXV съездида совет турмуш тарзи ҳақли равишда совет халқининг тарихий ғалабаларидан бири қаторида тилга олинди. Чиндан ҳам, социализм ва коммунизм принциплари бизнинг кундалик воқелигимизга, совет кишиларининг меҳнати ва турмушига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Совет турмуш тарзи ўзининг ижодкорлик руҳи билан ажралиб туради, у бутунлай келажакка қаратилган. Шунинг учун ҳам социалистик турмуш тарзимизни пропаганда қилиш ва амалда такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса ўз навбатида совет кишиларининг меҳнат қилиш ва турмуш шароитларини янада яхшилаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг намунали корхона, намунали муассаса ёки микрорайон вужудга келтириш учун олиб бораётган кураши бунинг ёрқин намунасидир. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика идеология ходимлари активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида шуни алоҳида таъкидладики, Тошкент ва республикамиздаги бошқа шаҳарларнинг «Намунали коммунистик шаҳарда яшовчи кишининг ахлоқий принциплари»ни ишлаб чиқиш соҳасида орттирган тажрибаси диққатга сазовор. Бу принциплар меҳнат коллективларида муҳокама этилмоқда, ҳамма жойда — ишлаб чиқаришда, жамоат фаолиятида, турмушда ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент областида ҳам шаҳснинг ҳар тарафлама камол топиши, ўтмиш сарқитларининг бартараф этилиши борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Идеологик ва ташкилотчилик ишларининг бирлиги, тарбия вазифаларини ҳал этишга комплекс ёндошув ана шу ишнинг муваффақиятини таъминламоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ш. Р. Рашидов раислигида иш олиб бораётган аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгаши областимиз меҳнаткашларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда катта ёрдам кўрсатмоқда. Партия комитетлари, область, шаҳар ва районлардаги аҳоли турмуш маданиятини ошириш кенгашлари республика кенгашининг қарорлари ва кўрсатмаларига биноан иш олиб бориб, янги урф-одатларни жорий этиш, меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш борасида талай ишларни амалга оширмоқдалар.

Жумладан, Чирчиқ шаҳрида янги урф-одатларни тарғиб қилиш ва жорий этиш соҳасида қизиқарли тажриба тўпланган. Бу ердаги маданият саройлари ва уйларида, касаба союз клубларида мураббийлар, бир корхонада ишлаётган ишчи сулолаларининг вакиллари, шаҳарнинг энг машҳур кишилари, меҳнат ва уруш ветеранлари билан учрашувлар уюштирилади. Ҳар йили ташкил қилинаётган Кимёгарлар куни, Металлурглар куни, Қурувчилар куни айниқса маромли ўтади. Шаҳарда никоҳ маросимлари, вояга етганлар кунлари, Совет Армияси сафига кузатиш, кўча байрамлари сингари тадбирлар ўтказилади. «Электрохимпром» бирлашмаси ишчи-хизматчилари орасида эса Оила кунлари ўтказиш анъанага айланмоқда.

Шу билан бирга ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XV съездидаги нутқида таъкидлаганидек, янги клублар ва кутубхоналар қуриш билангина иш битмайди. Уларнинг идеология ишининг таянч пункти сифатидаги роли ва таъсири ишнинг мазмунига боғлиқ.

Ана шундай муассасаларни марказлаштириш йўлидан бориб, тўғри қилинмоқда. Ҳозирги вақтда областимизда Оққўрғон ва Бекобод районларида 4 та марказлашган кутубхона ва клуб системаси, 15 та маданият ва маданият-спорт комплекси ташкил этилди.

Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Бўстонлиқ районидаги «Думалоқ» қишлоқ Советларида, С. Сегизбоев номли, «Оққўрғон» совхозлари, Ғалаба районидаги Ленин номли ва Свердлов номли колхозларидаги бирлашмалар фаолияти умуман яхши йўлга қўйилган.

Областда ижодий союзлар, театрлар, маданият муассасалари, газета ва журнал редакцияларининг меҳнат коллективлари билан маданий-оталиқ ҳамкорлиги ривожланмоқда. Жумладан, Ҳамза номли театр билан Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози, Горький номли театр билан «Электрохимпром» бирлашмаси, «Саодат» журнали билан Калинин районидаги «Партия XXI съезди» колхози, Ўзбекистон Композиторлар союзи билан «Ўзбекшахтострой» трести ўртасида жазми 24 шартнома тузилган.

Партия ташкилотлари ғоявий-эътиқодий шакллантириш ва кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида маданият муассасаларига таянмоқдалар. Жумладан, кейинги вақтда Олмалиқ, Бекобод, Янгиобод шаҳарларидаги маданият уйлари ва саройлари, Коммунистик районидаги «Политотдел», Свердлов номли колхоз клублари, Оҳангарон районидаги «Чинор» қишлоқ клуби ва бошқа муассасаларда «Бизнинг замондошимиз», «Совет кишисининг бахти нимада», «Коллектив шарафи — бизнинг шарафимиз» ва бошқа қизиқарли мавзуларда мунозаралар бўлиб ўтди. Олмалиқ меҳнаткашлари орасида эса «Таъзим», «Ветеранлар, орденларни тақинглиз» мавзуидаги кечалар машҳур бўлиб кетди. Уларда меҳнат ва уруш ветеранлари, социалистик мусобақа голиблари шарафланади.

Касаба союзларига қарашли клублар, маданият уйлари ва саройларида меҳнаткашларнинг маданий дам олишини уюштириш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, Тошкент трактор заводи маданият уйининг ходимлари бу борада намунали тадбирларни ўтказаётирлар. Жумладан, мусобақалашган цех ва бригада коллективлари ишироқидаги кечалар, «Беш йиллик илғорлари рапорт беришади» оғзаки журналлари, ашула ва рақс байрамлари, дам олиш кечаларини уюштирилмоқда. Трактосозлар агитбригадасининг корхона қизил бурчакларидаги чиқишлари айниқса маромли ўтади. Бунда коммунистик меҳнат зарбдорлари, энг яхши ишчиларнинг меҳнатдаги ютуқлари ҳаммага маълум қилинади, илғор тажриба оммалаштирилади. Айни вақтда меҳнат интизомини бузувчилар ўткир танқид остига олинади.

Областимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг бадиий дидини тарбиялашга ҳам эътибор берилмоқда. Айниқса, энг яхши тасвирий санъат намуналарини тарғиб этиш, кўчма кўргазмалар, ишчи ва студентлар ётоқхоналарида галереялар ташкил қилиш дурустгина самара бермоқда. Ангрен шаҳрида эса шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан картина галереяси очилди.

Меҳнат кишисини эъзозлаш ахлоқий тарбиянинг муҳим жабҳасидир. Шу боисдан ҳам областимизнинг кўпгина жойларида Меҳнат шуҳрати музейлари ташкил этилмоқда. Жумладан, «Чироғ» наслчилик совхоз-техникуми, Ангрен керамика заводи, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидаги ана шундай музейларда тарбия мавзуида тадбирлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, областимиз партия ташкилотлари, идеология активлари совет турмуш тарзини кенг пропаганда қилиш ва такомиллаштириш, янги урф-одат ва анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш борасида кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу эса беш йиллик план ва мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишида муҳим омил бўлмоқда.

Г. АЙРАПЕТЯНЦ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

А. МАКСИМОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Коммунистик ва Ғалаба районларида, «Политотдел», колхозида, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида, Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасида аҳоли турмуш маданиятини ошириш соҳасида намунали тадбирлар кўрилмоқда.

Омма орасида идеологик иш олиб боришда маданият муассасалари муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда маданий-оқартув муассасалари ишида сезиларли силжиш содир бўлди, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг маданий дам олишини уюштиришдаги роли кучайди. Ҳозирги вақтда 124 мингдан ортиқ киши бадиий ҳаваскорлик театрлари ва тўгаракларида қатнашмоқда. Тошкент, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида, Бўка, Оққўрғон, Янгийўл районларида ёшлар учун хилма-хил тўгараклар, клублар очилган. Маданият уйлари, клублари ва кутубхоналарда китобхонлар конференциялари, у ёки бу мавзуга бағишланган кечалар, кўрик ва конкурслар ўтказилаётир. Китоб пропагандаси яхшиланиб бормоқда.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, совет ва касаба союз органлари маданий-оқартув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Жумладан, ўтган тўрт йил давомида 30 дан ортиқ оммавий кутубхона, 4 та клуб очилди, 50 дан ортиқ муассаса ремонт қилинди, қулай биноларга кўчирилди.

Шу билан бирга ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XV съездидаги нутқида таъкидлаганидек, янги клублар ва кутубхоналар қуриш билангина иш битмайди. Уларнинг идеология ишининг таянч пункти сифатидаги роли ва таъсири ишнинг мазмунига боғлиқ.

Ана шундай муассасаларни марказлаштириш йўлидан бориб, тўғри қилинмоқда. Ҳозирги вақтда областимизда Оққўрғон ва Бекобод районларида 4 та марказлашган кутубхона ва клуб системаси, 15 та маданият ва маданият-спорт комплекси ташкил этилди.

Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Бўстонлиқ районидаги «Думалоқ» қишлоқ Советларида, С. Сегизбоев номли, «Оққўрғон» совхозлари, Ғалаба районидаги Ленин номли ва Свердлов номли колхозлардаги бирлашмалар фаолияти умуман яхши йўлга қўйилган.

Областда ижодий союзлар, театрлар, маданият муассасалари, газета ва журнал редакцияларининг меҳнат коллективлари билан маданий-оталиқ ҳамкорлиги ривожланмоқда. Жумладан, Ҳамза номли театр билан Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози, Горький номли театр билан «Электрохимпром» бирлашмаси, «Саодат» журнали билан Калинин районидаги «Партия XXI съезди» колхози, Ўзбекистон Композиторлар союзи билан «Ўзбекшахтострой» трести ўртасида жазми 24 шартнома тузилган.

Партия ташкилотлари ғоявий-эътиқодий шакллантириш ва кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида маданият муассасаларига таянмоқдалар. Жумладан, кейинги вақтда Олмалиқ, Бекобод, Янгиобод шаҳарларидаги маданият уйлари ва саройлари, Коммунистик районидаги «Политотдел», Свердлов номли колхоз клублари, Оҳангарон районидаги «Чинор» қишлоқ клуби ва бошқа муассасаларда «Бизнинг замондошимиз», «Совет кишисининг бахти нимада», «Коллектив шарафи — бизнинг шарафимиз» ва бошқа қизиқарли мавзуларда мунозаралар бўлиб ўтди. Олмалиқ меҳнаткашлари орасида эса «Таъзим», «Ветеранлар, орденларни тақинглиз» мавзуидаги кечалар машҳур бўлиб кетди. Уларда меҳнат ва уруш ветеранлари, социалистик мусобақа голиблари шарафланади.

Касаба союзларига қарашли клублар, маданият уйлари ва саройларида меҳнаткашларнинг маданий дам олишини уюштириш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, Тошкент трактор заводи маданият уйининг ходимлари бу борада намунали тадбирларни ўтказаётирлар. Жумладан, мусобақалашган цех ва бригада коллективлари ишироқидаги кечалар, «Беш йиллик илғорлари рапорт беришади» оғзаки журналлари, ашула ва рақс байрамлари, дам олиш кечаларини уюштирилмоқда. Трактосозлар агитбригадасининг корхона қизил бурчакларидаги чиқишлари айниқса маромли ўтади. Бунда коммунистик меҳнат зарбдорлари, энг яхши ишчиларнинг меҳнатдаги ютуқлари ҳаммага маълум қилинади, илғор тажриба оммалаштирилади. Айни вақтда меҳнат интизомини бузувчилар ўткир танқид остига олинади.

Областимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг бадиий дидини тарбиялашга ҳам эътибор берилмоқда. Айниқса, энг яхши тасвирий санъат намуналарини тарғиб этиш, кўчма кўргазмалар, ишчи ва студентлар ётоқхоналарида галереялар ташкил қилиш дурустгина самара бермоқда. Ангрен шаҳрида эса шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан картина галереяси очилди.

Меҳнат кишисини эъзозлаш ахлоқий тарбиянинг муҳим жабҳасидир. Шу боисдан ҳам областимизнинг кўпгина жойларида Меҳнат шуҳрати музейлари ташкил этилмоқда. Жумладан, «Чироғ» наслчилик совхоз-техникуми, Ангрен керамика заводи, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозидаги ана шундай музейларда тарбия мавзуида тадбирлар ўтказиш яхши йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, областимиз партия ташкилотлари, идеология активлари совет турмуш тарзини кенг пропаганда қилиш ва такомиллаштириш, янги урф-одат ва анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш борасида кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу эса беш йиллик план ва мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишида муҳим омил бўлмоқда.

Г. АЙРАПЕТЯНЦ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

А. МАКСИМОВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Пахта целлюлозаси химияси ва технологияси илмий тадқиқот институтининг ходимлари халқ хўжалиги ва саноатда катта аҳамиятга эга бўлган хом ашё тайёрлаш устида қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Суратда: (чапдан) лаборант Оқила Шалманова ва катта илмий ходим Валентина Шашина лар полимер толаларнинг хусусиятларини кўздан кечиришмоқда. И. Глауберзон фотоси.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК УЧУН

Яқинда заводимиз Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг «Ленин Фахрий ёрлиғи» билан мукофотланди. Бу мукофот заводимизга беш йилликнинг ўтган тўрт йили ва 1980 йилнинг биринчи квартали якуни бўйича областдаги пахта тозалаш заводлари орасидаги мусобақада яхши натижаларга эришганлигимиз учун берилди.

Ўтган тўрт йил ичида завод ишлаб чиқараётган ялпи маҳсулот ҳажми анча ошди. Айниқса 1979 йилда жуда яхши натижалар қўлга киритилди. Бутлур салкам 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини қабул қилган эдик. Уюшқоқлик билан қилинган меҳнат ва социалистик мусобақанинг таъсирчан формаларидан фойдаланганлигимиз ҳамда коммунистлар ўз участкаларида масъулиятни тўла ҳис этиб меҳнат қилганликлари туфайли мўлжалдагидан ҳам кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Олинган социалистик мажбуриятнинг 101,5 процент бажарилди. Тўқимачилик комбинатларига 13.838 тонна тола, 2304 тонна линт етказиб берилиб, бу борадаги социалистик мажбуриятлар ҳам ортиғи билан адо этилди.

Ўтган йили ҳар бир ишчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш пландаги 83,2 тонна ўрнига 83,4 тоннага тўғри келди.

Самарадорлик билан бир қаторда сифатга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Сифат учун курашда партия ташкилоти бутун масъулиятни ўз зиммасига олган. Партия ташкилоти йиғилишида 9 кишидан иборат Сифат комиссияси тузилиб, унга заводнинг бош инженери Б. Абдуллаев раислик қилмоқда. Сифат комиссиясининг иши партия ташкилоти томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда ва унинг ҳисоботи партия комитети йиғилишларида мунтазам равишда тингланмоқда.

Заводимизда ҳар ҳафтанинг жумаси Сифат куни деб эълон қилинган. Сифат комиссиясининг бир ҳафталик ишига ҳам якун ясалади.

Сифат учун курашда завод халқ контроли группаси, унинг 77 нафар аъзоси ва жойларда ташкил этилган 5 та постнинг ҳам хизмати катта бўлаётир.

Завод партия ташкилоти сифат ва самарадорликни ошириш билан бирга ишчи-хизматчиларга сиёсий ва иқтисодий билим беришга ҳам жиддий эътибор билан қарамоқда. Бу ишда бизга КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълим тўғрисида»ги ҳамда «Белоруссия ССР партия ташкилотида идеология ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа уюштирилган. Бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳар смена охирида якунланиб, «Молния» — «Жанговар варақа»ларда эълон қилинади. Бир сменада энг кўп иш бажарган ишчиларга эсдалик совғалари ва пул мукофоти берилади ҳамда бу бригада шарафига «Меҳнат шон-шуҳрати байроғи» кўтарилади. Март ойи якуни бўйича Тамол Азизов бошлиқ бригада шарафига «Меҳнат шон-шуҳрати байроғи» хилпиради.

Бундан ташқари мусобақа голибларига ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган, интизомли, иш вақтидан унумли фойдаланган ишчиларга дам олиш уйлари, курорт ва санаторийларга имтиёзли путёвкалар мукофот тариқасида берилмоқда. Ўтган йили 30 нафарга яқин ишчи ана шундай имтиёзли путёвкалар билан дам олиб қайтди.

Завод партия ташкилоти ишлаб чиқаришга раҳбарликда доимий принципиал йўл тутади. Партия йиғилишларида цех партия ташкилотларининг ҳисоботлари тингланганда камчиликлар атрофлича муҳокама қилинади ва партия комитети томонидан тегишли кўрсатмалар берилади. Партком йиғилиши қарорининг ижроси назоратга олинади. Сифат комиссияси, халқ контроли группаси, комсомол, касаба союз ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг ҳисоботлари ҳам партия йиғилишларида мунтазам эшитиб борилмоқда. Шу туфайли уларнинг фаолияти тобора яхшиланмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, барча муваффақиятларимизнинг асосий омили — социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлигидадир. Барча цехлар, бригадалар, сменалар, қабул пунктлари ҳамда

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА РАҲБАРЛИК

ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа уюштирилган. Бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақа ҳар смена охирида якунланиб, «Молния» — «Жанговар варақа»ларда эълон қилинади. Бир сменада энг кўп иш бажарган ишчиларга эсдалик совғалари ва пул мукофоти берилади ҳамда бу бригада шарафига «Меҳнат шон-шуҳрати байроғи» кўтарилади. Март ойи якуни бўйича Тамол Азизов бошлиқ бригада шарафига «Меҳнат шон-шуҳрати байроғи» хилпиради.

Бундан ташқари мусобақа голибларига ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган, интизомли, иш вақтидан унумли фойдаланган ишчиларга дам олиш уйлари, курорт ва санаторийларга имтиёзли путёвкалар мукофот тариқасида берилмоқда. Ўтган йили 30 нафарга яқин ишчи ана шундай имтиёзли путёвкалар билан дам олиб қайтди.

Завод партия ташкилоти ишлаб чиқаришга раҳбарликда доимий принципиал йўл тутади. Партия йиғилишларида цех партия ташкилотларининг ҳисоботлари тингланганда камчиликлар атрофлича муҳокама қилинади ва партия комитети томонидан тегишли кўрсатмалар берилади. Партком йиғилиши қарорининг ижроси назоратга олинади. Сифат комиссияси, халқ контроли группаси, комсомол, касаба союз ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг ҳисоботлари ҳам партия йиғилишларида мунтазам эшитиб борилмоқда. Шу туфайли уларнинг фаолияти тобора яхшиланмоқда.

Корхонамизда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилаш омилларидан яна бири — янги техника ва рационализаторлик таклифларини дадиллик билан ишлаб чиқаришга жорий этишдир. Бултур коммунист Ў. Мамбетовнинг таклифи билан қуритиш цехидан тозалаш цехига пахта ўтказишда ишлатиладиган 4 та вентилятор ўрнига лентали узатма ўрнатилди. Бунинг натижасида цехларда шовқин бирмунча камайди, иш шароити яхшиланди. Бундан ташқари йилига 4700—5000 киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинмоқда.

Заводимизда изланувчи ишчилар кўпчиликни ташкил этади. А. Краснов, А. Нўлдошев, М. Мирзаҳусанов каби илғор ишчилар таклифи билан ўтган йили ситиш қозонидан қуритиш цехига иссиқ ҳаво махсус қувурлар ёрдамида ер остидан ўтказиладиган бўлди. Олдин у юқоридан — заводдан ўтказилганди, бирмунча иссиқлик беҳуда йўқотиларди.

Партия комитети туғилаётган ҳар бир таклиф ва ташаббусни қўллаб-қувватлаб, уларнинг амалга ошиши ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Беш йиллик бошида завод ишчиларидан Раҳмижон Шариповв, Исмоил Содиқов ва Рашида Шариповалар бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Уларнинг бу ташаббуси район газетасида эълон қилиниб, Бўка район партия комитети томонидан қизғин маъқулланди. Илғор ишчиларнинг бу ташаббусини кенг қулоч ёйдиришга алоҳида эътибор бердик. Ташаббускорларга ўз сўзларининг устидан чиқишларида ҳар томонлама ёрдам бериб келаяпмиз. Кундалик иш якунлари деворий газетада мунтазам ёритиб борилмоқда. Ташаббускорларнинг издошлари эса тобора кўпаймоқда.

Ҳурмат Белгиси ордени нишондори А. Жавдатов, Т. Азизов, Я. Бекбоев, У. Қодиров, Р. Шайхутдинова каби кўплаб ишчилар ташаббускорлар изидан бориб, айни кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Партия ташкилоти бундай ишчиларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириб бормоқда.

Бугунги кунда корхонамиз коллективи «Ленинчасига яшаймиз ва ишлаймиз» шиори остида унумли меҳнат қилмоқда. Бутун эътибор ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили план-топшириқларини улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 63 йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришни таъминлашга қаратилмоқда.

С. АБДУЛАЗИЗОВ,
Бўка пахта тозалаш заводи партия комитетининг секретари.

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

Бекободдаги 25-мактаб ўқувчилари сўнгги қўнғироқ тантаналарини янги бинода ўтказадиган бўлдилар. Мактабнинг мухташам, замонавий биносини қўли гул бинокорлар фойдаланишга топширдилар.

Областимизда қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳар куни бинокорлар янги-янги объектларни ўз эгаларига топшириятилар. Бекобод районининг ўзида шу ойнинг охиригача 2 та болалар боғчаси, 320 ўринли янги мактаб қуриб битказилади.

Кончилар шаҳри Ангренда ҳам қурилиш ишлари жадал бормоқда. Кўплаб оилалар ҳовли тўйлари ўтказишяпти. Яқинда янги микрорайонида ҳар бири 32 хонадонга мўлжалланган учта турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Ой охиригача қурувчилар яна иккита кўшқаватли замонавий уйни совға қилишга сўз бердилар.

М. ЗАРИПОВ.

А. Беруний номли Тошкент политехника институтининг трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги факультети студентлари илмий тадқиқот ишларида актив қатнашмоқдалар. Олий ўқув юртидаги янги бу факультетни ҳадемай 370 талаба битириб чиқади. Суратда: доцент В. Н. Широков (ўнгдан учинчи) IV курс талабаларига консультация бермоқда. А. Усмонов, Р. Шамсудинов фотоси. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

ХАЛҚ фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини тубдан яхшилашга партия-ҳукуматимиз жуда катта аҳамият билан қарамоқда. КПСС XXV съездидан сўнг мамлакатимизда улкан социал ўзгаришлар бўлди. Иқтисодий ва маданий қурилишда сезиларли даражада ўсишга эришилди. Буни биргина областимиз районлари, колхоз ва совхозлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Халқимиз фаровонлиги, эл-юрт бойлиги бевосита пахтачилик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. 3-«Далварзин» қишлоқ Совети ижроия комитети, унинг атрофига уюшган 7 доимий комиссия, 6 депутатлар группаси ҳамда, маҳаллий, район, область советларининг депутатлари ўз иш фаолиятларини қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга қаратмоқдалар. Комитет йиғилишлари, сессияларда кўрилаётган ва муҳокама этилаётган масалалар, қабул қилинаётган қарорлар улуғвор ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун олинган план ва мажбуриятларни тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу кўпчилик албатта.

Халқ депутатлари қишлоқ Совети ижроия комитети, 45 нафар маҳаллий совет, 9 нафар район Советининг депутатлари ҳар бир ишда активлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Меҳнатда эришилаётган катта муваффақиятлар эвазига аҳоли турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб, моддий манфаатдорлик ошиб бормоқда.

Қишлоқ Совети территориясидаги А. Мавлонов номли совхозда 15 га яқин милпат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ меҳнат қиладилар. Ўзбек, тожик, рус, қирғиз, украин ва бошқалар ога-инидек ягона мақсадни кўзлаб меҳнатда жонбозлик кўрсатмоқдалар. 4500 дан ошиқ аҳоли 710 хўжаликка бирлашган.

Уларнинг меҳнат қилиши, дам олишлари учун барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. 11 савдо тармоғи, 5 кутубхона, 3 клуб, янги замонавий типда қурилган 2 та болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш уйи, аптека, медпункт, амбулатория, новвойхона меҳнаткашлар хизматида. Қишлоқ Совети территориясидаги 2 та ўрта, 3 та саккиз йиллик мактабларда совхоз 15 га яқин миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ меҳнат қиладилар. Ўзбек, тожик, рус, қирғиз, украин ва бошқалар ога-инидек ягона мақсадни кўзлаб меҳнатда жонбозлик кўрсатмоқдалар. 4500 дан ошиқ аҳоли 710 хўжаликка бирлашган.

Уларнинг меҳнат қилиши, дам олишлари учун барча маданий-маиший шароитлар яратиб берилган. 11 савдо тармоғи, 5 кутубхона, 3 клуб, янги замонавий типда қурилган 2 та болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш уйи, аптека, медпункт, амбулатория, новвойхона меҳнаткашлар хизматида. Қишлоқ Совети территориясидаги А. Мавлонов номли совхозда 15 га яқин миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ меҳнат қиладилар. Ўзбек, тожик, рус, қирғиз, украин ва бошқалар ога-инидек ягона мақсадни кўзлаб меҳнатда жонбозлик кўрсатмоқдалар. 4500 дан ошиқ аҳоли 710 хўжаликка бирлашган.

— Халқ фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш давр талаби бўлиб, бу асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади, — дейди қишлоқ Советининг раиси Иноможон ака Мамадалиев. — Шунинг учун ҳам халқимиз фидокорона меҳнатлари эвазига бахтиёр, фаровон яшамоқдалар. Ватанга кўп сифатли пахта, ғалла, гўшт, сут ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етказиб бераётганимиз туфайли ҳам халқимизнинг турмуш даражаси янада яхшиланмоқда.

Абдуғаффор Абдуллаев оддий меҳнат кишиси, қишлоқ Советининг депутати, 6-бўлимдаги Маҳмуд Рисбоев бошлиқ бригадада кўп йилдан бери меҳнат қилади. Умр йўлдоши Тожихон опа Қаҳрамон она. Ҳалол меҳнатлари эвазига «Москвич» енгил автомашинаси олишди. Қишлоқ Советининг ташаббуси билан 4 хонали янги уй қуриб берилди. Радио, телевизор, магнитофон, холодильник, сервант, кир ювиш машинаси ва бошқа уй-рўзғор буюмлари хонага чирой киритиб турибди. Хўжалик олға аъзолари қишлоқ хўжалик ишларида актив иштирок этиб келаяпти.

Бундай пиру-бадавлат, бахтли, фаровон, ҳавас қилса арзигулик оилалар кўплаб топилади. Совхоз ишчиси Ҳасан Бобоёров, бригадир Кўчимбек Ҳасанов, Шойим Кўзибоев, ўқитувчи Абдуазим Абдуразоқов ва бошқа юзлаб оилалар шулар жумласидан.

Шу нарса қувонарлики, ғўжалик меҳнаткашлари ҳалол меҳнатлари эвазига мўмай даромад эгаси бўлдилар. Деярли ҳамма хонадонда радио, 680 кишида телевизор, 650 оилада холодильник бор. 90 киши турли маркадаги енгил автомашиналарга эга. Газлаштирилмаган бирорта ҳам хўжалик йўқ.

Қишлоқ Совети совхоз дирекцияси ва партия комитети билан ҳамкорликда амалга ошираётган қатор тадбирлар қувончли самараларни бермоқда. КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши халқ фаровонлигини оширишнинг бирдан бир омили бўлмоқда.

Т. УСМОНОВ,
Бекобод райони.

Янгиликлар

ОЛМАЛИҚ

ДЎСТЛАР БУЮРТМАСИ

РУХ ЗАВОДИ коллективи Ленин орденли кон-металлургия комбинати корхоналарининг социалистик мусобақасида пешқадамлик қилиб келмоқда. Коммунистик меҳнат заводи номини олган бу корхона ишчилари шу кунларда Венгрия, Чехословакия, Югославия мамлакатларидан келган буюртмаларни бажаришмоқда. Куйдирувчи В. Ширяев, мастер В. Денисенко, пайвандчи В. Ким, кранчи Л. Ройтман, оператор Г. Хабиев ва бошқа илғорлар буюртмаларни ўз вақтида жўнатишга катта ҳисса қўшишмоқда.

Заводда янги техниканы жорий этиш, ихтирочи ва рационализаторларнинг таклифларини қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига сўнгги икки йил мобайнида рух ишлаб чиқариш 1,5 бараварга ортди. Ўзаро иқтисодий ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларга экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг ҳаммасига «Сифат белгиси» қўйилган.

●

ЧИНОЗ

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ ВА ТРАКТОРЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ

ҲАДЕМАЙ, мактабни битирган бир группа йигит-қизлар ҳаётга йўлланма олишади. Чиноздаги Бобир номли 9-мактабни тамомлаган йигит-қизлар етуклик аттестати билан тракторчилик гувоҳномасини ҳам оладилар. Ешларнинг аксарияти қадрдон қишлоқда қолиб ота-оналари, ака ва опаларини билан ёнма-ён меҳнат қилишга аҳд қилишган.

Мана бир неча йилдирки, бу илм даргоҳини тамомлаган ёшлар аттестат билан бирга тракторчилик касбини ҳам эгаллашмоқда. Мактабда 1968 йилдан бошлаб тракторчилик курси очилган. Шу давр мобайнида 300 дан зиёд ўқувчи мактабни тамомлаб, учинчи класс тракторчиси гувоҳномасини олди. Эркин Очилов, Маҳмуд Исоқов, Эшмат Шерматов ва бошқа ўнлаб ёшлар трактор рулини илк бор қадрдон мактабида ушлаган эди. Ҳозир улар илғор механизатор сифатида танилганлар.

Мактабда тракторчилик курсига Ш. Исмоилов, Р. Юсупов, Н. Ускенбоевлар бошчилик қилишади. Ўқувчилар техникани ўзлаштириш бўйича бир неча бор область олимпиадасида иштирок этишган. Ўтган йили ва бу йил 9-мактаб командаси область спартакиадасининг ғолиби бўлиб, диплом билан тақдирланди.

●

ТОШКЕНТ

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

БУ бирдашмада яхши бир анъана бор. Тикувчилар шаҳардаги 127-техника билим юрти талабаларини оталикка олишган. Билим юртини тамомлаган ёшлар бирлашмага келишганда ветеранлар уларни ўз фарзандларидек қарши олиб, мураббийлик қилишади. Коммунистик меҳнат зарбдори Валентина Рубцова салкам чорак асрдирки, илғорлар сафидан ўрин олиб келмоқда. Ҳозир бу тикувчининг меҳнат календарида 1983 йил. В. Рубцова моҳир мураббий сифатида ҳам ҳурмат-обрў топган. Унинг ўнлаб шогирдлари илғорлар сафида меҳнат қилмоқда.

ЛЕНИН орденли, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув бирлашмаси цеварлари ўнинчи беш йилликнинг 4,5 йиллик планини муддатидан илгари оширяб бажардилар. Бунда кечаги шогирд бугунги кунда эса илғорлар сафида меҳнат қилаётган Умида Неъматова, Гулчеҳра Йўлдошева, Набира Тўхтаева, Нина Токарева, Мастура Муродова сингари комсомол-ёшларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг очиқ павильонларида мелиорация ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган турли техника ва бошқа воситалар намойиш қилинаётир. Суратларда: сув хўжалигида сайқалланган плиталар кўплаб ишлатилади; ППА-300 маркали суғориш агрегати; УНП-300 маркали насос қурилмаси деҳқонлар оғирини енгил қилади.

Х. Мирзакаримов фотолари.

ТУРДИХОН опа сувчилар билан нималар ҳақидадир жиддий суҳбатлашиб, дала шийпони томон келарди. Бригада аъзоларининг барчаси шу ерга йиғилишган. Хушкайфият, ҳазил-мутойиба билан тушликка ҳозирлик кўрилмоқда. Демак, ишлар жойида.

Пахтакорнинг иккинчи уйи бўлиб қолган дала шийпонига разм соламиз. Токлар сўриларга кўтариб қўйилган. Турли-туман гуллар, райхонлар, гуркираб ўсаяпти. Пайкалларга қовун-тарвуз, бодринг, помидор, кўкатлар экилган. Ичкарида телевизор, радио, сиёсий адабиётлар, кундалик марказий ва маҳаллий матбуот нашрлари.

Барча нарса муҳайё. Буларнинг ҳаммаси бригада бошлиғи Турдихон опа Қосимованинг ташаббускорлиги, жонкуярлигидан. Унинг отаси, кекса пахтакор Қосим ака Ризаев қизининг камтар, одобли бўлиб етишаётганини кўриб беҳад севинарди.

— «Коммунизм» совхозининг «Қизил Юлдуз» қишлоғида болалигим ўтган, — дейди Турдихон опа. Ҳамқишлоқларимнинг фаровон ҳаёт кечиришини, пахта ҳосили мўл бўлишини жуда-жуда истардим. Бу истак бора-бора менинг бирдан-бир орзуимга айланиб қолди. 1963 йилда ота касбим пахтачиликда ишлай бошладим. Шу йили совхозимиздаги механизаторлар тайёрлаш курсини битириб чиқдим.

Турдихон опа «оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмонлар уйиш ҳақида тинмай ўйлар экан, ўз билимини янада ошириш кераклигини жуда яхши тушунарди. Совхоз партия ташкилотининг таклифи билан кечки ишчи-ёшлар мактабини тугатишга қарор қилди.

1976 йили қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига сиртдан ўқишга кирди. Қишлоғига ёруғ юз билан қайтар экан, бу ерда ҳам уни қувончли хабар кутар эди. Совхоз раҳбарлари комсомол-ёшлар бригадаси тузишга, унга Турдихон опани бошлиқ қилиб тайинлашга қарор қилишган эди. Бригадага 50 гектар ер ажратиб берилди. Коллектив аъзоларининг барчаси мактаб ўқувчиларидан иборат.

— Бу ёшлар билан нима қилиб бўларди, — деганлар ҳам бўлди.

— Ҳечқиси йўқ, — дерди ўзига Турдихон опа. — Ёшларнинг ғайрати ҳар нарсага қодир. Эрта баҳордан кеч кузгача бизга кўмакдош бўлаётган шу ёшларку, ахир.

Умид билан кўкламда чигит экиб, ернинг табиий намига ундириб олишди. Биринчи культивация ҳам муваффақиятли ўтказилди. Барча тадбирларни ўз вақтида бажариб, биринчи йилдаёқ гектаридан 40 центнердан ошириб хирмон кўтаришди. 1977 йили Турдихон опани партия сафига қабул қилишди. Коммунист деган шарафли ном унинг зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

— Ўқиш керак, — дерди доим у бригада аъзоларига илмга чанқоқ ёшларни турли ўқув юртларига умид билан кузатар экан.

Уларнинг ўрни эса 7—8 синф ўқувчилари билан тўлдирилади. 1 Май номли мактабда шу бригадада ишлаш истагини билдирган ёшлар жуда кўп. Уларнинг меҳнати билан ҳосилдорлик ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ана шундай серташвиш, лекин қувончларга бой кунларнинг бирида Турдихон опани район партия комитетига таклиф қилишди. Бу ерга ҳар хил ўй-хаёл билан келган Турдихон опа қувонч ва ҳаяжон билан қайтди. Уни партия XXV съездига делегат қилиб сайлашибди. Бу меҳнаткаш аёлнинг ва барча бригада аъзоларининг сермашаққат меҳнатларига берилган энг юксак баҳо эди.

Москва. Кремль. Съездлар саройининг маҳлислар зали. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг сермазмун ва таъсирли нутқлари, давомли ва гулдирос қарсаклар... Буларнинг барчаси Турдихон опанинг бир умр ёдидан чиқмайди. Кўз ўнгида кино лентасидек ўтаверади.

— Кечирасиз, деб қолди танаффус пайтида чет эллик журналист қиз. — эслайди Турдихон опа. — Сизлар ўзбексизлар, шундайми?

Турдихон опа ўйланиб қолди. Юзлари қуёшда қорайган бу аёлга ҳавасимиз келди. У бу йил иккинчи мартаба Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат бўлиб сайланди. У халқ ташвишлари билан яшайди. Ўзига берилган наказларни зиёдаси билан бажаришга ҳаракат қилади. Ўтган йили учинчи бўлимда 500 ўринли типовой боғча фойдаланишга топширилди. Иккинчи бўлимда эса 90 ўринли мактаб қурилди. 70 ўринли болалар боғчаси яқинда кичкинтойларни ўз бағрига олади. Марказий кўчалар асфальтланган.

— Бу йилги маррамиз жуда юксак, — дейди Турдихон опа. — 50 центнерлик хирмон учун курашаяпмиз. Биринчи культивацияни сифатли ўтказдик. Ниҳоллар дуркун ўсаяпти. Бунда бригада аъзоларидан Мавжуда Боймахонова, Иноят Саъдуллаева, Жамила Абдусаломова, сувчилардан Абдусоли Саидов, Ҳусан Маликов, Собир Тўқаевлар алоҳида фаолият кўрсатиб ишлашяпти.

Бригадада социалистик мусобақа ҳам яхши йўлга қўйилган. Улар 3-бўлимнинг Замира Рўзматова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси билан мусобақадош. Турдихон Қосимованинг ўзи бу йил мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган.

А. НОСИРОВА,
З. ТОШМУҲАМЕДОВА.
Ғалаба райони.

ТАШАББУС ИЗДОШ ЛАРИ

ДАЛАЛАРНИ ЯШНАТИБ

Бу йил сигирлар маҳсулдорлигини 4 минг килограммга етказиш мажбуриятини олган Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз соғувчиси Зайнаб Ашурбекова сут чашмасини тобора тошириб боряпти. У ўнинчи беш йиллик якунловчи йили бошидан бери говмишларидан 1400 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олди.

Суратда: З. Ашурбекова.

П. Эргашев фотоси.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ЭЪТИБОРДА

Область тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми ва «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорларига жавобан ўнинчи беш йилликнинг яккловчи йилини ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантириш ҳамда доҳий юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда корхоналарда оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Хусусан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари бўйича шу йилнинг ўзида икки беш йиллик планини бажаришни таъминлаш учун курашмоқдалар. Бирлашмада давлат Сифат белгиси билан буюмлар тайёрлаш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига нисбатан 30 процентга етказилади. 300 нафардан кўпроқ тикувчилар ўнинчи беш йилликни В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида бажардилар.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ҳам планларни қисқа муддатларда адо этиш учун курашмоқда. Тўқимачилик комбинатининг ишчилари эса бу байрам шарафига қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот берадилар.

Байрам шарафига авж олдирилган мусобақа жараёнида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга қаратилган янги ташаббуслар пайдо бўляпти. Улардан бири бу йил ҳеч қандай аварияcиз ва жароҳатсиз ишлаш ҳаракатидир.

Зероки совет меҳнаткашлари саломатлиги ҳақида ғамхўрлик, улар меҳнатини муҳофаза этиш корхоналар маъмурияти, касаба союзларининг фаолиятидаги муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ўтган йилнинг ўзида ишчиларга қулай шароитлар яратиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Ишлаб чиқариш корхоналарида турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи инспекторларнинг роли катта. Улар меҳнат қонунчилигига, техника хавфсизлиги талабдари нормаларига риоя этишни ҳамиша назорат қилиб борадилар. Ана шу ишларда 1500 нафар жамоатчи инспектор фаоллик кўрсатяпти. Булар орасида пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Р. Рафиқов, Тўқимачилик-галантерея бирлашмасининг хизматчиси А. Язнакаев, канап фабрикасидан В. Лапочкин, Тошкент тўқимачилик комбинатидан В. Першин сингари жонкуярлар бор. Улар ўз коллективларида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган кишилардир.

Инспекторлар иш жойларида техника хавфсизлиги ҳолатига асбобларнинг, шамоллатиш қурилмаларининг ҳамиша шайлигига ишчи-хизматчиларни махсус қоржомалар ва муҳофаза воситалари билан таъминлашга катта эътибор бермоқдалар.

Инспекторлар ҳар йили 2,5 мингдан кўпроқ таклиф билан чиқиб, меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш травматизмини камайтиришга эришаётирлар. Хусусан, «Красная Заря» ишлаб чиқариш тикув бирлашмасининг юқори А. И. Белинский 20 дан ортиқ, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг монтёри С. Шапиро 25 дан ортиқ таклифи билан меҳнат муҳофазасини таъминлашга ҳисса қўшди.

Жамоатчи инспекторларнинг актив фаолияти туфайли «Ғунча» тикув, 2-пойафзал, «Ташгрушка», Шойи тўқиш фабрикаларида, Алимкент, Янгийўл пахта тозалаш, Новожизненск, Қўқонча канап заводларида ва бошқа корхоналарда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ишлари яхшиланди. Тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат муҳофазаси уч поғонали метод орқали контрол қилинмоқда. Бу метод жамоатчилик, цехлар маъмурияти ва ишчиларнинг хавфсизлик йўлидаги ҳаракатини бирлаштиради.

Кўнгилли инспекторлар ўз иш фаолиятлари жараёнида кўплаб мураккаб масалаларни ҳал этмоқдалар. Ҳозирги пайтда областда 15 минг ишчи жароҳатсиз ҳамда авариясиз ишлаб, меҳнат унумдорлигини оширамиз деган шиорга амал қилаётир. Улар шу йилнинг 1 январидан 31 декабригача давом этадиган «Халқ хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Бутуниттифоқ жамоат кўриги»да фаол иштирок этадилар. Бу эса корхоналарда қулай меҳнат шароитини яратади ва ишчилар саломатлигини кўнгилсиз ҳолатлардан сақлашга ёрдам беради.

С. ИСЛОМОВ,
тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари область касаба союз комитетининг раиси.

Қ. РИЗАЕВ,
тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари область касаба союз комитетининг техник инспектори.

ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЯШАЙДИЛАР

Мусаффо май тонги. Чиноз райони маркази байрам либосида. Бу ерга кўкракларини қўша-қўша жанговар орден ва медаллар безаган уруш ветеранлари, район меҳнаткашлари вакиллари тўпланган. Буюк ғалабанинг 35 йиллиги шодиёнаси куни — 9 Майда район марказида Улуғ Ватан урушида халок бўлган чинозликлар хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик тантанали вазиятда очилди.

Тиш-тирноғигача қуролланган душман билан жангларда 6000 дан ортиқ чинозлик баҳодир қўлида қурол билан она-Ватан учун жон олиб, жон берди. Начора, уруш қурбонсиз бўлмас экан. Чиноз райони қишлоқларидан кетган 600 дан ортиқ жангчи мангуликка кўз юмди. Бироқ улар ҳамон кишилар қалбида тирик. Она-Ватан озодлиги йўлида жонларини қурбон қилганлар ҳеч қачон унутилмайди. Совет кишилари уларнинг номларини қалб тўрида сақлайдилар.

Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамюртлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликни очишга бағишланган митингни халқ депутатлари Чиноз шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Н. Исматиллаев очди.

1939 йилдан КПСС аъзоси, уруш йиллари район хотин-қизлар Советининг раиси бўлиб ишлаган Жаҳон Олимжонованинг сўзларини митинг қатнашчилари зўр ҳаяжон билан тингладилар.

«Партия XXIV съезди» совхозининг директори Т. Эриазаров Сталинград учун олиб борилган жангларда иштирок этган. У совет солдатларининг мислсиз қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб берди.

Митингда сўзга чиққан район ҳарбий комиссари подполковник Э. Иброҳимов, Чернишовский номли 5-ўрта мактаб ўқувчиси Г. Рамазонова, уруш ветерани В. И. Мустафа, республика ҳарбий комиссари генерал-майор С. У. Эргашев ўртоқлар ўз сўзларида Улуғ Ватан урушн йилларида жонларини фидо қилган совет жангчиларининг хотиралари мангу экинлиги ҳақида гапирдилар.

Уруш ветеранлари А. Аҳмадбеков, Г. Валиев, Э. Дўсматовлар Тошкентдаги Номаълум солдат қабри олдидаги мангу оловдан ёндирилган машъалани кўтариб келишмоқда. Майдонга тўпланганлар урушда ҳалок бўлганлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақлашгач, ҳайкал олдидаги қизил лента қирқилади. Ёдгорлик устига ёпилган ҳарир парда аста ерга тушади. Кишилар кўз ўнгида қўлини баланд кўтарган голиб совет солдати сиймоси намоён бўлади. Унинг пойидаги мармарга «1941 — 1945» рақамлари йирик қилиб ўйиб ёзилган.

Сокин музика садолари остида район партия, совет, ташкилотларининг раҳбарлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, меҳмонлар зиналардан бир-бир босиб, ҳайкал олдига борадилар. Бу ерда мангу олов ёндирилади.

Ҳайкал ёнидаги мармар деворга зарҳал ҳарфлар билан «Улар бизнинг қалбимиздадир» деган сўзлар ўйиб ёзилган.

Шундан сўнг ҳайкал пойига гулдасталар қўйилди.

Митингда халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. И. Малихин иштирок этди.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯНГИ ИҒВОГАРЛИККА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

ЛОНДОН, 11 май. (ТАСС). Англияда чиқадиган «Обсервер» газетаси бугунги сонида АҚШ президенти Ж. Картер Яқин ва Ўрта Шарқининг, АҚШ фикрича, унинг «нефть ва бошқа стратегик манфаатлари» хавф остида қолган районларда «яшин тезлигида зарба бериш операциялари» деб аталган операцияларни амалга ошириш учун Миср территориясидан асосий база сифатида фойдаланиш режаларини маъқуллаганини ҳабар қилди. «Яшин тезлигида зарба бериш операциялари»да 50 минггача Америка солдати қатнашади, деб уқтиради газета.

«Америка ҳарбий стратегиясидаги янги концепция» бўлмиш бу планда, деб ёзади газета, Миср да Американинг катта-катта ҳарбий объектларини, шу жумладан ҳарбий самолётлар, танклар ва ракета қурилмаларини ремонт қиладиган ҳамда уларга хизмат қиладиган корхоналарни қуриш кўзда тутилади. Мисрда АҚШнинг Яқин Шарқдаги зарбдор кучлари штаби ҳам жойлаштирилади.

Англия газетаси хабар қилганидек, Миср территориясида Америка қўшинларининг жойлаштирилиши аслида шу мамлакатни АҚШ қуролли кучлари окупация қилиб олишининг ўзи бўлади. Маълумки, кўп йиллар давомида Миср халқи Англиянинг Сувайш канали зонасидаги ҳарбий базаларини тугатиш учун фидокорона курашган эди. Энди эса Миср территориясида — Араб шарқининг қоқ марказида Америка империализмининг ҳарбий базалари барпо этилмоқда. Мисрда Америка ҳарбий қисмларининг жойлаштирилиши Исроил билан Миср ўртасидаги Кэмп-Дэвид келишувининг ташаббускорлари Яқин Шарқда тинчликка эришиш вазифасини мутлақо кўзламаганликларини тасдиқлаб турибди.

Башарти Миср да Америка қуролли кучларини жойлаштириш режаси рўёбга чиқариладиган бўлса, бу нарса Яқин ва Ўрта Шарқда тағин ҳам хатарли вазият вужудга келтириши мумкин. Бу ишларнинг ҳаммаси қай мақсадга қаратилганлиги равшан: бир қанча араб ва мусулмон давлатларининг ички ишларига ҳарбий аралашув учун шароит яратишни кўзлайди.

Бундай авантюрлар жазосиз қолмаслиги равшан. «Обсервер» газетасининг хабарини, шунингдек НАТО бош секретари Луйснинг Яқин ва Ўрта Шарқда АҚШ ҳарбий кучларини кўпайтириш режалари тўғрисида яқинда берган баёнотини ҳам Америка томони рад этмаганлиги факти эътиборни ўзига тортади.

АМЕРИКА ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

НЬЮ-ИОРК. Бу ерда Кариб ҳавзасида Қўшма Штатларнинг ҳарбий кучлари кўпайтирилишига қарши оммавий норозилик намойиши бўлди. Намойишда қатнашган АҚШ турли жамоат ташкилотларининг вакиллари Америка маъмурларининг Лотин Америкаси халқлари ўртасида ўсиб бораётган миллий озодлик ҳаракатини ҳар қандай воситалар билан, шу жумладан ҳарбий аралашув воситаси билан бостиришга уринишларидан ғоят газабланганликларини изҳор этдилар. Пентагоннинг Кариб денгизида ўтказаётган «Солид шилд-80» катта ҳарбий машқларини қораладилар. 20 мингдан кўп солдат ва офицер, 42 ҳарбий кема ва 350 ҳарбий самолёт иштирокида ўтказилаётган бу машқларнинг бош майдони Гуантанамодаги АҚШ ҳарбий денгиз базаси бўлиши керак. Гуантанамо Кубанинг Қўшма Штатлар қонунга хилоф равишда эгаллаб олган территориясидир.

Намойишчилар АҚШнинг мана шу энг катта шаҳридаги марказий кўчалардан «Кубани қамал қилиш тўхтатилсин!», «Уруша йўл йўқ!» деган транспарантларни кўтариб ўтдилар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ. Болгарияда Физкультурачилар куни умумхалқ саломатлиги байрамига айланди.

Саноат корхоналарининг, ташкилот ва муассасаларнинг минглаб ходимлари, жангчилар ва мактаб ўқувчилари бугун стадион ва паркларнинг спорт йўлкаларига чиқиб, енгил атлетика кроссларида иштирок этдилар.

Анъанага мувофиқ физкультурачилар куни ҳар йили оммавий физкультура ва спорт кўригига айланади.

ПАРИЖ. Франциянинг Монпелье (Эрон департаменти) ва Ним (Гар департаменти) шаҳарларида оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

Франция Компартияси маҳаллий федерациясининг ташаббуси билан Монпельеда митинг ўтказилди. Унда 20 мингдан ортиқ киши тўпланди. Митинг қатнашчилари француз фермерларига катта зарар етказаётган «умумий бозор»нинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги сиёсатини қораладилар.

Коммунистларнинг даъватига биноан 1500 дан ортиқ киши Ним кўчаларидан ўтиб, ишсизлик ўсиши тўхтатилишини, Севен ҳавзасидаги кўмир шахталарида ишлаш тўхтатмасликни талаб қилдилар. Намойиш иштирокчилари префектура биноси олдидаги майдонга тўпланиб, қоплардаги кўмирни ерга тўкдилар, ҳамда шу йўсинда маъмурлар ва корхона эгаларининг бу райондаги шахталарни ёпиб қўйиш тўғрисидаги ниятларига қарши норозилик билдирдилар.

ТЕҲРОН. Оятилло Ҳумайни буйруғига биноан Эронда Миллий мудофаа олий кенгаши ташкил этилди. Бу кенгашга мамлакат президенти, бўлажак бош министр, мудофаа министри, қуролли кучлар бирлашган штабининг бошлиғи, «ислом революцияси посбонлари корпусининг» қўмондони, шунингдек икки маслаҳатчи киради.

БУЭНОС-АЙРЕС. Ғарбий ярим шар мамлакатлари ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонларининг Сантъягода бўлиб ўтган кенгашида АҚШ Лотин Америкаси давлатлари армияларини Вашингтоннинг империалистик сиёсатига маҳкамроқ боғлашга интилди. Кенгашда АҚШ, Канада, Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларнинг олий офицерлари, Америка мамлакатларидаро мудофаа кенгашининг делегацияси иштирок этдилар.

Ҳарбий ҳаво кучлари штабининг бошлиғи генерал Л. Аллен бошчилик қилаётган АҚШ делегацияси китъадаги инқилобга реакцион режимлар вакилларининг қўллаб-қувватлаши билан «ҳамкорликни» активлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинишига муваффақ бўлди.

(ТАСС, 12 май).

ГРЕЦИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

АФИНА. Бу ерда Бош министр Г. Раллис бошчилигидаги Грециянинг янги ҳукумати қасамёд қилди.

Мамлакатнинг янги ҳукумати составига ўтган кабинетнинг кўпчилик аъзоларидан иборат. К. Мицотакис ташқи ишлар министри қилиб тайинланди. Э. Аверофтосицас миллий мудофаа министри, К. Стефанопулос бош министр ҳузуридаги министр лавозимида қолди.

Г. Раллис Грециянинг иқтисодий қийинчиликларини бартараф этиш — мен бошлиқ ҳукумат олдида турган асосий ички сиёсий вазифалардан бири, деб айтди.

Ҳукуматнинг расмий вакили шу маросимда сўзга чиқиб, янги ҳукумат ўз сиёсатида илгариги ҳукумат тутган йўлнинг асосий йўналишларига риоя қилади, деб уқтириб ўтди.

Г. Раллис 5 майда мамлакатнинг янги президенти қилиб сайланган К. Караманлис ўрнига бош министр қилиб тайинланди.

Янги бош министр 19 майда ҳукумат программасини парламентга тақдим этади.



ҲИНДИСТОН. Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан Бхакра—Нангал электростанцияси бунёд этилган. ГЭС суғориш каналларининг умумий узунлиги 4,5 минг километрдан кўпроқ бўлиб, улар 1,5 миллионга яқин гектар майдонни суғоради. Суратда: ГЭС тўғони.

ТАСС фотохроникаси.

МАРОСИМЛАРИМИЗ ЗАМОНАГА МОС БЎЛСИН

«ҚАЛИН»ГА ҚАРШИМИЗ

Газетанинг шу йил 12 апрель сонида «Маросимларимиз даримизга муносиб бўлсин» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифада редакция ҳузуридаги коммунистик аҳлоқни пропаганда қилиш, жамоатчилик Совети аъзоларининг кишиларни юксак аҳлоқ-одоб руҳида тарбиялаш, янгича замонавий анъана, урф-одатларни кундалик турмушимизга сингдириш ва ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларни ўртага ташланган эди.

Редакцияга ана шу материаллар ҳақида хатлар кела бошлади. Турли касбга мансуб кишилар кўтарилган масалалар ҳусусида мулоҳаза юритмоқдалар.

Ҳозир хонадонларимизда тўқчилик, тўкинчилик. Ҳаётимиздан ҳамма рози. Орзу-ҳавас кучайяпти. Шунга яраша маросим, тўй-маъракалар ҳам кўпаймоқда, албатта бу ҳаётий зарурат. Маросимлар бари-бир ўтказилади, лекин қандай қилса яхшироқ, замонавий бўлади?

Мен ҳам ана шу ҳақда ўз фикримни айтмоқчиман. Бунда мен СССР халқ артисти Сора Эшонтўраевaнинг фикрларини тўла қувватламоқчиман. Опамиз маъқул гапларни айтибдилар. Аввало тўйлар ҳақидаги айрим мулоҳазаларни билдирмоқчиман.

Маълумки, никоҳ тўйларида қиз томонга қалин пули бериш каби эскича одат шаҳар жойларида бирмунча тартибга солинган, баъзи маҳаллаларда бутунлай барҳам топган бўлса, қишлоқларда ҳануз авжида. Тўғрисини айтмоқ керак. Катта-катта қалин олишлар йўқ эмас.

Ҳозир Тошкентнинг деярли кўпчилик маҳаллаларида тўй куни қиз томонга енгилроқ бўлсин учун ҳоли бақудрат ун, гурунч, гўшт ва бошқа нарсалар юборилади. Бу нарсалар ўша бир кунлик тўйда икки томоннинг ҳам меҳмонларини кутишга ишлатилади. Бунга эътироз йўқ. Лекин айрим қишлоқларда фотиҳа кунида ҳам 1—2 та қўй ва бошқа кўплаб маҳсулотлар юбориш одати бор. Никоҳ куни эса яна каттагина «тўй» ва «қалин пули» берилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойларида тўйларни ўтказиш анча оғир, кўп сарф — ҳаражат талаб қилади, қалин пули чақиб қўяди. Қодир одамлар-ку кўзни чирт юмиб, тўй бошлаб юборади. Аммо ҳаммасининг моддий шароити бир хил эмас-ку?! Шундай экан тўйлар ихчам, қўлдан келганича ўтгани маъқул эмасми?

Яна бир масала. Келинга қилинадиган сарполар ҳақида. Тўғрисини айтганда келинга қилинадиган кийимлар, ўй-рўзғор буюмлари «ким ўзарга» ошиб кетяпти. 20—30 тадан турли кўйлак, 7—8 хил пойафзал, ёзлик, кузлик, қишлик кийим ҳаммаси қўша-қўша... Бунинг устига гарнитур...

Бир нарса десангиз «ҳамма қилганда мен нега энди қилмаслигим керак, бу янгича маросим-ку» дейишади. Хўш, бу даҳмаза, ортиқча сарф-ҳаражат ва олди-бердиларнинг нимаси янгича?

Мен бу ўринда ўзим яшаб турган «Янгиариқ» маҳалласида маросимларни ўтказишда ўрнатилган тартиб тўғрисида гапириб ўтмоқчиман. Маҳалла комитети ҳузурида тўй-маросимларни бўйича комиссия тузилган. Комиссияга маҳалла комитети раисининг муовини, юридик фанлари кандидати Кабир ака Комилов бошчилик қилади. Унинг составига маҳалладаги бообрў кишилар — кекса ўқитувчи Фатхулла Иброҳимов, врач Музаффар ака Муҳиддиновлар сайланганлар.

Комиссия аъзолари маҳалла идорасида маросим ўтказувчи хонадонлар бошлиғининг иштироки билан ҳамма ишқир-чиқирларигача келишиб олишади. Масалан, столларга тортиладиган нозу-неъматлар, ичимликларгача муҳокама қилинади, ортиқчаликка йўл қўйилмайди. Чунончи, маҳалламиздаги никоҳ тўйларида спиртли ичимлик ўрнига турли енгил спиртсиз мусаллослар ва мева шарбатлари ёки ёз ойларида қимиз қўйиш расм бўлмоқда.

Савдо ходими Турсунхўжа Шоҳўжаев, ўқитувчи Қўчқор Эшмуҳамедов, Тошкент политехника институти декани Фатхулла Назруллаев ўртоқлар ўғил уйлантириш тўйларини спиртли ичимликсиз, дабдаба, шовқин-суронсиз, ширингина, жуда чиройли ўтказдилар.

Комиссиянинг тавсияси билан қуда чақириқ, қизчалар ва бошқа маросимлар анча тартибга солинди. Ҳаражатлар чекланди, «бор товоғим, кел товоғим»лар йўқ қилинди.

Маҳалламизда янгича маросимларни турмушга сингдириш борасида тўплаётган озми-кўпми тажрибаларимиз қўшни С. Раҳимов районидаги «Тахтапул», «Мевазор», Октябрь районидаги Литвинов номли маҳаллаларда ҳам оммалаштирилмоқда.

Ўйлаймизки, ҳамма маҳалла комитетлари ҳузурида ана шундай комиссиялар актив иш олиб борса, изчил курашилса маросимларимиз замонамиз талабига мослашаверади.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Киров районидаги «Янгиариқ» маҳалла комитети маданий-оқартув секциясининг бошлиғи.

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМ ЛАЙЛИК

ЖАМОАТЧИЛИК— ТАЯНЧИМИЗ

МАМЛАКАТИМИЗДА социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишлари партия XXV съезди ҳамда СССР Конституциясининг қоидаларига мувофиқ равишда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишни яхшилаш ва ҳуқуқни бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори катта роль ўйнаётир. Ана шу муҳим ҳужжат асосида ҳамма жойлардаги каби областимизда ҳам кўп ишлар қилинди. Хусусан, безорилик, жиноятчиликка қарши курашда жамоатчиликнинг роли оширилди. Партия, давлат, хўжалик, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг бир ёқадан бош чиқариб иш юритишлари ва ҳаракат бирлигига эришилмоқда.

Ҳозирги пайтда меҳнаткашларнинг ички ишлар хизматчиларига ёрдами кучайди. Халқ дружиналари, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоатчилик пунктлари, меҳнат коллективларида профилактика советлари, ўртоқлик судлари, оталиқ ва мураббийлик группаларининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Пойтахт областимизда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича 700 га яқин жамоатчилик пунктлари ишлаб турипти. Уларнинг активлари Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларидир. Бундай пунктларда малакали адлия хизматчилари юридик органлар ходимлари ҳам интиёрий равишда актив фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг ишчанлиги ва ҳаракатчанлиги туфайли меҳнат коллективларида интизомни мустаҳкамлаш, ишёқмас ҳамда прогулчиларга, ичкиликбозлар ва безориларга, социалистик мулкни талон-тарож қилувчиларга нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтирилди.

Қонунга хилоф иш тутиш ҳолларининг олдини олишда участка инспекторларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар ҳар куни омма ўртасида бўлиб кимнинг қандай «нафас олаётгани билан» қизиқадилар. Жамоатчилик кўмагида нотўғри йўлга кирган, нопок ишга қўл урган кишиларни тезда аниқлаб олмоқдалар. Коммунистик район ички ишлар бўлимидаги милиция капитани Сабриддин Носиров, Тошкент районидан Зикир Зиёев, Ўрта Чирчиқ районидан Худойберган Жамбилов, Бекобод шаҳридан Мавлон Шералиев, Чирчиқ шаҳридан Жаъфар Жабборов сингари участка инспекторларининг номини жамоатчилик ҳурмат билан тилга олмоқда. Улар ҳар қандай ишни тезкорлик билан ҳал этишлари, ўз фаолиятларини омма билан боғлиқ ҳолда олиб боришлари туфайли обрў-эътибор топмоқдалар.

Областимизнинг милиция хизматчилари социалистик турмуш тарзимизни мустаҳкамлаш, коммунистик жамият кишисини камолга етказишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Уларнинг давлат ва граждапларнинг шахсий мулкини муҳофаза этиш йўлидаги сергакликлари эътиборга сазовор бўлаётир. Милиция ходимлари бу йўлда ўз куч-ғайратларини билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар. Бундан икки йил аввал Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ғалаба районининг милиция хизматчиларидан коммунист Александр Чугунов, Давлатхўжа Муҳамедов, комсомол аъзолари Худойберди Ермаков, Нишон Неъматов, Коммунистик район ички ишлар бўлимининг хизматчиси Кенес Актаев, Бўка район ички ишлар бўлимининг хизматчиси Ражаббой Абдуллаев ўртоқлар «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан тақдирланди. А. Чугунов, Д. Муҳамедов, Р. Абдуллаев, К. Актаевлар ўз бурчларини шараф билан ўтаётган бир пайтда қуролланган хавфли жиноятчилар қўлида ҳалок бўлдилар. Уларнинг жасорати шахсий составимизнинг қалбида абадий сақланади.

Маълумки, партия ва ҳукуматимизнинг кейинги кўрсатмаларида партия комитетлари ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи органларнинг иши устидан контролни кучайтиришлари, уларни яхши тайёрланган кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўришлари таъкидланди. Биз бу борада ҳам анча ишлар қилдик. Айниқса ёш милиция ходимлари орасида сиёсий-тарбиявий ишлар кўлами кенгайди. Бошқармамизда ўтказилаётган слётлар, семинарлар бу борада яхши самара бермоқда. Тошкент, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ районлари ва Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимларида сиёсий-тарбиявий ишлар анча жонланди.

Областда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнамоқда. Биз бу ҳужжат асосида ўз вазифаларимизни белгилаб олдик. Эндиликда омма орасида коммунистик тарбияни комплекс олиб боришга ҳаракат қиляпмиз. Бунда бизга маҳаллий Советлар, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатлар ёрдам берётирлар. Ҳуқуқ масалалари Советларнинг сессияларида, ижроия комитетларнинг кенгашларида тез-тез муҳокама қилинмоқда. Коммунистик районидаги Бордонкўл, Оҳангарон районидаги Қорахитой, Тошкент районидаги «Гулистон» қишлоқ Советларида ташкил этилган оқсоқоллар советлари иши мазмунли бўлаётир. Улар, айниқса ёшлар тарбиясига катта эътибор бермоқдалар.

Аммо фаолиятимизда ҳали бартараф этилиши керак бўлган камчиликлар ҳам мавжуд. Ичкиликбозликка қарши кураш, маиший муносабатлар заминида рўй берадиган можароларнинг олдини олиш ҳоллари етарли йўлга қўйилмаган. Ўқув юртларида, меҳнат коллективларида ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларда, балоғатга етмаган ўсмирлар ўртасида ҳуқуқни бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги ишларимизни янада такомиллаштиришимиз керак. Текинхўрлик ва чайқовчиликка қарши курашни тобора кучайтириш лозим.

Совет милицияси ходимлари ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликка таяниб, Социалистик қонунчиликни мустаҳкам, мустаҳкамлаш йўлидан дадил бормоқдалар, кенг жамоатчиликка таянмоқдалар.

Ж. ЖАМОЛОВ,
область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
2-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ
149-шаҳар ҳунар-техника билим юрти
1980—81 ўқув йили учун
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: мўйнадўз-бичиқчи, тикувчи-мотористка, бичиқчи (чарм пойафзаллар ишлаб чиқариш бўйича); техника контроли бўлими контролёри, пойафзал бошқаруви таёрловчи, тикув машиналарининг ремонти бўйича слесарь, электр ускуналарига хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, якка пойафзаллар тикиш бўйича пойафзалчи.

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун бир йил, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар учун эса 2 йил.

Билим юрти қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса давлат таъминотида бўладилар (кунига 3 маҳал овқат, кийим-бош).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юрти қошида вокаль-чолғу, бичиш ва тикиш, тўқиш, кино-фото тўгараклари ишлайди.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳужжатлар якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 84-автобуснинг «Домбробод» массиви» бекати), метронинг «Собир Раҳимов» станцияси, Телефон 76-77-45).

ГОСКОМТРУД УзССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

3-қурилиш трестининг
16-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
ғишт терувчилар, бетончилар, транспорт ишчилари.
Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА
автокранчилар, занжирли ва пневма ғилдиракли кранларнинг машинистлари, занжирли кранлар ва автомобиллар ремонти бўйича слесарлар, электр слесарлар, автоэлектриклар, шоферлар, слесарь-мотористлар, ремонт-механика устахоналарининг бошлиғи, прораб, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, кассир-инкассатор, машинистка.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
слесарь-асбобсозлар, ремонтчилар, фрезерчилар, штамповкачилар, прессларни созловчилар, прессловчилар, инженер ва техник конструкторлар, технологлар, чизмачи-техниклар, пайвандловчилар, юк ташувчилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА:
металлшунослик ва термик ишлов бериш, асбоб-ускуналар ва пайвандлаш ишлари технологиги, иссиқлик электр станциялари, гидродинамика, электроакустика, иссиқлик автоматикасини созлаш бўйича химиклар, программистлар, электроникалар, электромеханиклар, теплотехниклар; совутиш ва компрессор машиналари, вентиляция ва кондициялаш системаларини созлаш бўйича, теплоэнергетиклар, сув режимининг сув тайёрлаш асбоб-ускуналарини созлаш бўйича химиклар, электр машиналари, метролог ихтисослари бўйича инженерлар; дурадгор, ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарлар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ПАХТАКОРЛАР САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Область дорихоналар бошқармаси ва район марказий дорихоналари «оқ олтин» хирмонига, замин яратаётган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига 25 мингдан ортиқ аптечка жўнатдилар. Дастлабки медицина ёрдами учун зарур бўлган бу дорихоналар колхоз ва совхоз дала шийпонлари, ремонт устахоналари учун мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига медицина хизматини кўрсатиш кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Бевосита экин майдонларида махсус автолавкаларда дорихоналар билан чакана савдо уюштирилган. Бу соҳада, айниқса, Бўка, Бекобод, Коммунистик районлари медицина ходимлари ўрнак кўрсатмоқдалар.

Область шаҳарлари ҳам ўз оталиқларидаги районларга медицина хизмати кўрсатиш борасида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдадар. Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳар саломатлик посбонлари тез-тез дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда, медицина кўриклари уюштирмоқдалар.

Ғалаба байрами арафасида Тошкент шаҳрида таш кил қилинган Улуғ Ватан уруши ветеранларининг стационари айни кунларда кўплаб даволанувчиларни ўз бағрига олган. Бу ердаги терапия ва неврология бўлимларида бир вақтнинг ўзида 200 киши дам олиши ва даволаниши мумкин. Суратларда: ветеранлар стационарининг кўриниши; шифокорлар қабулида.

Г. Пун фотоси.
(ЎзТАГ).

Спорт

САФАРДАГИ ҒАЛАБА

Мезбонларнинг ҳимоячиси жарима майдонидан тахминан 7—8 метр узоқликда ўйин қоидасини бузди. Ленинградлик судья Г. Галиков одиллик билан жарима тўпини белгилади. Дарвоза рўпарасида ҳимоячилардан иборат «жонли девор» ҳосил қилинди. «Пахтакор»нинг тажрибали ўйинчиси Соловьёвнинг зарб билан тепган тўпи мўлжалган аниқ борди.

Шундай қилиб Москвада бўлган «Локомотив» — «Пахтакор» учрашувининг 29-минутида ҳамшаҳарларимиз олдинга чиқиб олдилар. Ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилиб, пахтакорчиларга икки очко келтирди.

Майдон эгалари ҳам, меҳмонлар ҳам бир неча бор қулай имкониятларни бой беришди. Дастлабки минутларда рақиб ҳужумчиси Муханов дарвозабон Страшненко билан яккама-якка чиқиб тўпни мўлжалга йўналтира олмади. Пахтакорчилар капитани Норточнев ҳам қулай вазиятда шошмашошарликка йўл қўйди.

Умуман ўйин давомида футболчиларимизнинг рақиб спортчиларидан ҳар томонлама устун эканликлари яққол сезилиб турди.

«Пахтакор» дублёрлари ҳам футбол мухлисларини хушнуд этишяпти. Улар бу сафар 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ягона тўпни Эшбўтаев киритди.

Еттинчи турнинг уч учрашувида дуранг натижа қайд қилинди. «Торпедо»—«Арарат» учрашувида ҳисоб очилмади. Москва ва Минск динамочилари бахси эса 1:1 ҳисоби билан тугади. Шуни айтиш керакки, москвалик ҳужумчи Латиш 11 метрлик жарима тўпини дарвозага йўналтира олмади. «Черноморец» — «Шахтёр» — 1:1.

Икки учрашувда эса меҳмонларнинг қули баланд келди: «Карпати» — «Динамо» (К) — 2:4.

Қолган тўрт учрашув майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди: «Зенит» — «Кубань» — 2:0, «Спартак» — «Қайрат» — 3:0, СКА — «Нефтчи» — 3:0, «Динамо» (Тб) — ЦСКА — 2:0.

Еттинчи тур ўйинларидан сўнг командаларнинг турнир жадвалдаги ўринлари қуйидагича:

Командалар	Ю	Д	М	Т	О
«Спартак»	4	2	1	10—2	10
«Динамо» (К)	4	2	1	15—8	10
«Зенит»	4	2	1	10—6	10
«Динамо» (Тб)	3	3	1	9—4	9
«Пахтакор»	3	2	2	9—6	8
«Динамо» (М)	3	2	2	7—6	8
«Динамо» (Мн)	2	4	1	9—5	8
СКА	2	4	1	8—6	8
«Арарат»	2	4	1	7—6	8
«Шахтёр»	2	3	2	10—9	7
«Локомотив»	2	3	2	8—7	7
«Торпедо»	2	2	3	3—5	6
«Черноморец»	1	4	2	3—5	6
ЦСКА	2	1	4	5—12	5
«Қайрат»	1	3	3	7—12	5
«Карпати»	1	2	4	5—13	4
«Кубань»	0	4	3	3—7	4
«Нефтчи»	0	3	4	3—12	3

«Пахтакор» навбатдаги тур ўйинини ўз майдонида ўтказади. 16 май куни Москванинг «Торпедо» командаси тошкентликлар меҳмони бўлади.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

КАМОНДАН ОТИШ. СССР кубоги учун ўтказилган мусобақаларда Европа собиқ чемпиони тошкентлик Ольга Рогова 2558 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Тбилисилик К. Лосаберидзе иккинчи, тошкентлик Н. Бутузова учинчи бўлдилар.

БОКС. Ростов-Дон шаҳрида СССР чемпионатининг финал мусобақалари бўлиб ўтди. 81 килограммгача вазнлилар мусобақасида тошкентлик боксчи В. Шин тбилисилик Д. Квачадзега тенг бахсда ютқазиб қўйди. Спортчимиз кумуш медални қўксига тақди.

ВЕЛОПОЙГА. XXXIII Тинчлик велопойгаси давом этаётир. Мусобақаларда олмалиқлик Шоҳид Заҳриддинов муваффақиятли иштирок этмоқда. У биринчи ва иккинчи босқич якунларига кўра иккинчи ўринда турибди.

ЧАВАНДОЗЛИК. Ғалаба байрами кунларида Тошкент отчопарида чавандозлар мусобақаси бўлиб ўтди. Унда республикамиз областларидан келган тажрибали суворийлар ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Ғолиблар орасида тошкентлик спортчилар ҳам бор. Жумладан, Н. Левадний 1800 метрга ўтказилган пойгада биринчи ўринни эгаллади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Атлантлар ва карнатидлар. Бадиий фильм, 1-серия. 11.30 — Ҳайвонот оламида. 12.30 — Молдавия ССР Царуль қишлоғи агрономлик қишлоқ хўжалик техникуми маданият саройи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. Концерт тугагач янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Моҳир қўллар. 16.55 — Орлёнок. 17.40—Ильичнинг жонли сўзи. 18.25 — Халқ иқтидори. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Атлантлар ва карнатидлар. Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Москва юлдузлари. Санъат фестивалининг якунловчи концерти. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

18.20 — Мультфильм. 18.30 До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Заҳгори экран почтаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Усмон Юсупов туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик-зарбдор фронт. 22.15 — Дарахтлар катта эди.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ким бўлсам экан. 20.55 — Физика. 21.55 — Эстетика асослари. 22.35 — Спектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13IV да Уйланиш, 14IV да Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14IV да Олтин намак.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ» фантастик-саргузаштли аттракционининг гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01981. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1603.